



АЛИШЕР НАВОИЙ ДУНЁ ШАРҚШУНОСЛАРИ НИГОҲИДА

МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
ИЛМИЙ ТўПЛАМИ

(Тошкент, 2021 йил, 5-6 февраль)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ДУНЁ
ШАРҚШУНОСЛАРИ
НИГОҲИДА**

**МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
ИЛМИЙ ТЎПЛАМИ**

(Тошкент, 2021 йил, 5-6 февраль)

ТОШКЕНТ – 2021

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ORIENTAL STUDIES

**SCIENTIFIC MATERIALS OF THE INTERNATIONAL
CONFERENCE ON THE SUBJECT**

**ALISHER NAVAI IS IN THE
CONTEXT OF WORLD
ORIENTALISTS**

(Tashkent, 2021 year, 5-6 February)

TASHKENT – 2021

«Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида» – мавзуидаги Халқаро конференция илмий тўплами. – Т.: ТДШУ, 2021. – 541 б.

Конференция ташкилий қўмитаси раиси ва масъул муҳаррир:
Фил.ф.н., доц. **Рихсиева Г.Ш.**

Таҳрир ҳайъати:
Prof. Hüseyin M. Sadiq (Эрон)
Prof. Timur Kocaoglu (АҚШ)
Prof. Ayşehan Deniz Abik (Туркия)
Prof. Benedek Peri (Венгрия)
Prof. Marc Toutant (Франция)

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Фил.ф.д., проф. **Қ.Содиқов**
Фил.ф.д., проф. **Б.Тўхлиев**
Фил.ф.н., доц. **Ж.Шабанов**
Фалсафа доктори (PhD), доц. **Х.Хамидов**
Фил.ф.н., доц. **М.Эшмухамедова**
Фил.ф.н., доц. **О.Жўрабоев**
Фалсафа доктори (PhD) **О.Давлатов**
Фалсафа доктори (PhD) **Ш.Асқарова**
Фил.ф.д. **Р.Алимухамедов**

Тўпламни нашрга тайёрловчилар:
Фил.ф.д. **Р.Алимухамедов**
Н.Хаджиева

Ташкилий қўмита аъзолари:
Фил.ф.д., проф. **Қ.Омонов**
Сиёс.ф.н. **Н.Абдуллаев**
Иқт.ф.н. **Э.Махмудов**
М.Қаландаров

Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашининг 2021 йил 28 январдаги 6-сон баённомаси
билан нашрга тавсия этилган.

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни, илмийлиги ҳамда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021 йил.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА АРМУҒОН

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига кадам қўйган Ўзбекистонда халқимизнинг узок ҳаётий тажриба, тушунча ва қадриятларига асосланган тенги йўқ меросимизни ўрганиш маънавият ва маърифатнинг ажралмас қисми сифатида устувор вазифага айланди. Янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бугунги кунда Алишер Навоий адабий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси ҳам ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишни асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб, Алишер Навоийнинг асарларини илмий тадқиқ этиш, қўлёзмалар фондларида сақланаётган ёзма меросимизни ўрганиш анъаналарини давом эттириб келмоқда.

2021 йил 5-6 февраль кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университетида «Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилмоқда. Ушбу илмий анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4865 сонли қарорида белгиланган тадбирлар доирасида ташкил этилмоқда.

Унда Алишер Навоий ижодининг хорижий давлатларда тадқиқ этилишини комплекс ўрганиш билан бирга, унинг асарлари манбалари ва қўлёзмаларининг манбашунослик, матншунослик, адабиётшунослик тадқиқи ҳамда тил ва услуб хусусиятлари; бу борадаги тадқиқотларни рақамлаштириш; янги давр навоийшунослар авлодини тарбиялаш; Алишер Навоий мероси ва шарқ фалсафий фикрлар тараққиёти; Шарқ адабиётида Алишер Навоий анъаналарининг давом этиши; зуллисонайлик анъанаси ва Навоий-Фонийнинг мероси аҳамияти; шу жумладан, Шарқ тазкирачилиги; туркий халқлар адабиётига таъсири; Алишер Навоий асарларни чет тилларга таржима қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Алишер Навоий ўзбек халқининг минг йилликлар билан бўйлашадиган ёзма ёдгорликлари ва бебаҳо қадриятлари ичида буюк шахс бўлиб, унинг бугунги авлодларга қолдирган мероси минтақа маънавиятининг ўқ томирдир. Айни пайтда Алишер Навоий асарларининг миллат маънавий юксалишидаги ўрни ва қадри ортиб бораётганлиги тобора намоён бўлмоқда. Жамиятда кечаётган туб ўзгаришлар даврида дунё шарқшунослигида Алишер Навоий ижодига янгича илмий қарашлар, ёндашувлар асосида таҳлил ва тарғиб этиш янги давр навоийшунослигининг бош вазифасидир. Анжуман соҳа вакиллариининг мунозара майдони сифатида XXI аср навоийшунослиги қайси йўлдан кетади, у кейинги тараққиётида Алишер Навоий асарларини қайси мезонлар асосида ўрганади, бугунги янги авлодда Алишер Навоий асарларига муҳаббат уйғотиш йўллари сингари масалаларга ечим топишга ёрдам беради.

Конференция илмий тўпламига Афғонистон, Венгрия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Россия, АҚШ, Франция, Швеция, Эрон, Қозоғистон, Ҳиндистон каби қатор давлатлардан етакчи навоийшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишлари натижалари киритилган. Уларда Алишер Навоий асарларинининг Туркия, Афғонистон, Хитой, Канада, Венгрия, Ҳиндистон, Россия ва Тожикистон каби давлатларда ўрганилиши, унинг ижоди туркий халқлар адабиётлари ривожига, шу жумладан, ирфоний адабиёт тараққиётига таъсири атрофлича кўриб чиқилган. Алишер Навоий асарлари манбашунослиги ва матншунослиги, шунингдек, инсоният маънавий тақомилида назарий қарашларининг аҳамияти ахлоқ фалсафаси жиҳатдан таҳлили, ижодий меросида тарбиянинг фалсафий аспекти ёритилган.

Конференция ва умуман Алишер Навоийнинг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар доирасида Тошкент давлат шарқшунослик

университети профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та монография ва «Ғаройиб-ус синар» девонидаги 650 та ғазалнинг шарҳлари 10 жилдлик китоблар тарзида тайёрланди. Профессор М.Имомназаровнинг «XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари», профессор А.Қуронбековнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида инсон сиймоси ва унинг маънавий дунёси», профессор А.Мадраимовнинг «Алишер Навоий бадиий асарларининг XV-XVI асрлардаги қўлёзмалари» (Фанлар академияси билан ҳамкорликда), филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) М.Пўлатованинг «Шарқ мумтоз адабиётида «Арбаъин» ёзиш анъаналари (Жомий, Навоий ва Ғузулий асарлари мисолида)» китоблари нашр этилди. Шунингдек, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) О.Давлатов томонидан Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида саралаб олинган 30 та ҳикматли фикрлар университет мутахассислари томонидан 18 та тилга таржима қилиниб, «Навоий ҳикматлари» тўплами чоп этилди. Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик университети «Туркология» илмий-назарий журналининг Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган махсус сони тайёрланди.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг долзарблиги кун сайин ортиб бормоқда. Унинг бадиий, тарихий ва илмий асарларида акс этган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳимлиги билан барчани лол қолдириб келмоқда. Алишер Навоий асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш, таржима қилиш ва кенг тарғиботини олиб бориш, битмас хазина бўлган мероснинг умуминсоният қадриятларини намойиш этишдек муқаддас ишга ёшларимизни кенг жалб этиш зарур. Ушбу тўплам ҳам ёш тадқиқотчиларнинг навоийшунослик йўналишидаги тадқиқотлари учун ўзига хос манба бўлади, деб ўйлаймиз.

Рихсиева Гулчеҳра
Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори